

«ТАСДИҚЛИМАН»



Сурхондарё 2-сон вилоят
перинатал маркази
комиссия раиси

Б.М.Дустмурадов

2022 йил

**СУРХОНДАРЁ 2-СОН ВИЛОЯТ ПЕРИНАТАЛИ МАРКАЗИ
БЎЛИМЛАРИГА ПОСТЕЛЬНЫЕ БЕЛЁ ВА МАТРАС ТАЙЁРЛАШ
УЧУН**

ТАНЛОВ ҲУЖЖАТИ

Денов туман -2022 йил

Танлов ҳужжатларининг мазмуни:

I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома

II. Техник қисм

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА 1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

Танлов предмети: Сурхондарё 2-сон вилоят перинатал марказига карашли булимларга Постельные Белё ва матрас тайёрлаш

1.2. Танловнинг юкори қиймати-59000000 (Эллик туккиз миллион)сўм. Ушбу қийматдан ортик қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. Махсулот бўйича Танлов ҳужжатларида илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4. Ишларни бажариш муддати: Ғолиб бўлган қатнашчи билан шартнома имзоланган кундан бошлаб тузилган тижорат таклифига асосан белгиланган график бўйича.

1.6. Ишларни бошлаш муддати - аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Сурхондарё 2-сон вилоят перинатал маркази (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) - танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили : Денов шаҳар Мустақиллик кучаси №39 уй

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.3. Танлов Сурхондарё 2-сон вилоят перинатал маркази “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан кунунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танлов мулкчилик шаклидан катъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсагишга ихтисослашган, иш тажрибага ҳамда юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар кўйилади: танлов предмети ишлар(хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

- 684-Конун 13-моддасига риоя этилиши шарт
- Моддий-техника базаси
- Бахтсиз ходисалар булган вазиятларда ишчи ходимларнинг ҳаёти сугурталанганлиги
- Ишлаб чиқарилган товарларнинг сертификатланганлиги
- Солик ва бошка мажбурий туловлардан қарздорлиги йуқлиги тугрисида
- Қатнашувчининг ташкил этилиши, тугатилиши ёки банкрот булиши, миждоз билан суд ёки ҳакамлик муҳокамаси ҳолатида булмаганлиги тугрисидаги қафолат хати.
- Иштирокчи қорхонанинг давлат руйхатидан ўтган даврдан бошлаб унинг иш тажрибаси (гувоҳнома, Низоми (устав), ваумумий маълумотлар
- Иштирокчи қорхонанинг омборида тегишли хом-ашё ва метериаллар мавжудлиги
- Ишларни бажариш муддати Қафолат хати
- Ноҳалол иштирокчилар реестрида мавжуд эмаслиги тугрисида маълумот

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар(хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши, сертификатлаштирилиши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди: қайта ташкил этилиш(ажралиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол- мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошка шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ва рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.2. Танлов ҳужжатларида куйидагилар тақдим этилиши лозим:
Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;

Танлов иштирокчилари ҳар бир таклифларни яхлит ҳолда тикилган, номерланган ваколатли шахс имзоси ва муҳри билан тасдиқланган ҳолда ёки ҳар бир варогини муҳрлаб тасдиқлаган ҳолда электрон кўринишда тақдим этишлари лозим.

4.3. 1 куйидаги ҳужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ҳужжатлар бўйича куйидаги таклифлар:

Техник ҳужжатлар рўйхати (брошюралар, техник паспортлар ёки ўхшаш ҳужжатлар рўйхати илова қилинади).

4.4. Танлов иштирокчиси:

- факаг битта таклиф бериши мумкин;
- тақдим этилаётган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;
- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

5.1. Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун таълуқли ҳолда эълон қилинган муддатда яна 5 календар кунга узайтириши мумкин.

5.2. Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йигилиши қарори асосида амалга оширилади.

5.3. Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда голиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Голиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан қаида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товари (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан қаида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилаган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартириш киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан қаида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзолаган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5. Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.

Танлов комиссия аъзолари:

Комиссия раиси:

Бош ҳисобчи:

Ҳисобчи:

Ҳисобчи:

Кадрлар булими бошлиги:

Завхоз:




Б.Дустмуродов



Х.Х.Абдуллаев



Р.Шаймарданов



Л.Эркулова



З.Тошбадалова



З.Рустамов

«Т АСДИҚЛАЙМАН»

Сурхондарё 2-сон вилоят перинатал

маркази директори:

Б.М.Дустмурадов

2022 йил



Далолатнома

Биз куйида имзо куйиб далолатнома тузувчилар, Сурхондарё 2-сон вилоят перинатал

маркази танлов ўтказиш комиссияси раиси Б.М.Дустмурадов, аъзолари:

Х.Х.Абдуллаев, З.Рустамов, Р.Шаймардонов, Л.Эркулова ва З.Тошбадаловалар
хақиқатда Сурхондарё 2-сон вилоят перинатали булимлари учун ётоқ жамланмаси
сотиб олиш учун танловини

амалга ошириш учун тегишли татибда <https://etender.uzex.uz> порталига энг яхши
таклифларни танлаб олишга эълон берилиши мумкинлигини тасдиқлаймиз.

Танлов комиссия аъзолари:

Комиссия раиси:







Бош ҳисобчи:

Ҳисобчи

Ҳисобчи:

Кадрлар булими бошлиги:

Завхоз:

Б.М.Дустмурадов
Х.Х.Абдуллаев
Р.Шаймардонов
Л.Эркулова
З.Тошбадалова
З.Рустамов